O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 15 июль, чоршанба • № 55 (11.038) • Эркин нархда сотилади

ТАҲЛИЛ ВА САБОҚ

Илгари хабар берилганидек Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди

Йиғилишда вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг 1998 йил биринчи ярим йиллигидаги якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Шу мавзу юзасидан вилоят ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Ж. Файзиев маъруза қилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган биринчи ярмида асосий диққат-эътибор иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, айниқса, қишлоқ хўжалигида унинг боришини жадаллаштириш ва кенгайтиришга қаратилди. Бу ишда республикамиз Президентининг фармонлари ва ҳукуматнинг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган қарорларини амалга ошириш устувор йўналиш бўлди.

Бозор иқтисодиётини шакллантириш мамлакатимизда, шу жумладан вилоятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош бўғинларидан биридир. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, бозор инфратузилмасини шакллантириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мулкдорлар синфини шакллантириш бу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг асосий мазмунини ташкил этди. Шунинг учун ҳам бугунги кунга келиб вилоятдаги барча мулк шаклига тегишли бўлган корхона ва ташкилотларнинг 86,4 фоизини нодавлат сектори ташкил этади. Ўтган ярим йил давомида вилоятдаги ҳиссадорлик жамиятлари янада кўпайиб, 426 тага етди. Ярим йиллик хусусийлаштириш топшириғи 100 фоиз бажарилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, республикамиз Президентининг 1998 йил 4 мартдаги "Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва республиканинг фонд бозорида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Натижада 216 та ҳиссадорлик жамиятларининг акциялари пакети қайта тақсимланди. Чет эл сармоядорларига ва эркин сотиш учун акциялари бўлган ҳиссадорлик жамиятлари рўйҳати барча тижорат банкларига етказилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ қатор корхоналар хорижий сармоядорлар билан акциялар сотиш бўйича шартномалар туздилар.

(Давоми 2-бетда).

Юқоричирчиқ туманидаги "Гулистон" корпорацияси 930 гектар майдондаги ғалла ўрим-йиғимига эрта киришиб, шу ойнинг бошида режада белгиланган 2560 тонна ғаллани давлат омборига топширган эди. Эржон Абдувалиев, Константин Хон, Саттор Муллаев, Шавкат Зокиров, Назрулла Эгамқулов бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ердан 50—58 центнердан хирмон кўтаришга эришилди. Хўжаликда ғалла ўрим-йиғими давом этяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Хўжалик раиси ёрдамчиси Иззатилла Мирҳамидов ва бригада бошлиғи Абибулла Ўрозов ғаллазорда. 2. "Жумабозор" агрофирмаси участка бошлиғи Абдурашид Иқромов. 3. Ишчилардан Эркин Исмоилов ва Муҳиддин Тўрақулов хирмон совуришяпти.

Владимир ГРАНКИН олган суратлар.

УЧ ХУШХАБАР

Ғалла — 98

ЯНГИЙЎЛ

Туман ғаллакорлари давлатга 14 минг 530 тонна ғалла сотиб, буюртма режасини бажардилар. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 35,8 центнерни ташкил этди. Туманда биринчи бўлиб маррага етган Алишер Навоий номли, Н. Ниёзов номли, "Янги ҳаёт", "Озод", Абдулла Ортиқов номли, "Тинчлик" хўжаликларида ҳосилдорлик бундан ҳам юқори бўлди.

Туман хўжаликларида бу йил 6706 гектар майдонда "Скифянка" навли буғдой етиштирилди. Ҳосилни ўриб-йиғиб олиш тадбирлари изчиллик билан бажарилди. Ҳар бир хўжалик ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ўрим илғорларини рағбатлантириб борди. Мавсумда ғаллазорларда 32 та оддий ва 4 та "Кейс" русумли комбайнлар ишлади. Н. Ниёзов номли хўжаликдан Абдужамол Нурмонов, Исабек Тўйбеков, "Озод" хўжалигидан Исмоил Иброҳимов, Турти Ҳайдарқулов ва бошқа илғор комбайнчиларнинг ҳар бири 100—120 гектар майдондаги ғаллани ўриб-янчиб бердилар.

Туман хўжаликларида ўрим-йиғим қизғин давом этмоқда. Минг гектардан кўпроқ майдондаги ҳосилни ҳам нес-нобуд қилмай хирмонга тўкиш учун барча имкониятлардан самарали фойдаланиляпти. Шунингдек ғалласи ўриб бўлинган майдонлар ҳайдалиб, такрорий экинлар экилаётир.

БЕКОБОД

Туман ҳақида сўз борганда бепоён қирадирлар, яйловлар, тез-тез дайди шамол эсиб турадиган улкан ҳудуд кўз ўнгимизда намоён бўлади. Бундай шароитда деҳқончилик қилиш, хусусан, ғалла етиштиришнинг ҳам ўзи бўлмайди. Деҳқондан тинимсиз меҳнат, сабр ва матонат талаб этилади. Туманда ана шу сингари фидойи деҳқонларнинг ғайрат-шижоати туфайли ғалладан юқори ҳосил олинди. 11 минг 300 гектар майдондан шу кунгача 22 минг 600 тоннадан ортиқ дон топширилиб, режа муваффақиятли бажарилди.

Бу ютуққа Бобур номли, "Хос", "Ғалаба", Навоий номли, "Деҳқонобод", асосан лалмикор ерларда ғалла етиштирган "Навбаҳор" ва "Бекобод" жамоа хўжаликлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Бу йил туман ғаллазорларида 56 та комбайн, шу жумладан, 12 та "Кейс" ишлади. Бу комбайнлардан унумли фойдаланиш учун барча чора-тадбирлар кўрилди. "Хос" жамоа хўжалигидан Усмон ва Зафар Қўшматовлар, "Деҳқонобод" жамоа хўжалигидан Абдулла Деҳқонов, Мавлон Раззоқов, Навоий номли жамоа хўжалигидан Анорқул Худойқулов сингари комбайнчилар, айниқса, самарали меҳнат қилдилар. Бекободликлар сўнгги гектарлардаги ғалла ҳосилини ҳам тез ва нобуд қилмай йиғиб олиб, такрорий экин экишни муваффақиятли якунлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

ЎРТАЧИРЧИҚ

Ўртачирчиқ тумани хўжаликлари ҳам ғалла сотиш буюртма режасини бажардилар. Давлатга 24220 тонна юқори сифатли дон етказиб берилди. Хўжаликлар 10.900 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36,4 центнердан ошириб ғалла ўриб-янчиб олдилар. Охунбобоев номли ширкат хўжаликлари уюшмаси, "Ҳақиқат" очиқ турдаги акциядорлик жамияти, "Роватак" деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси, Алишер Навоий номли ширкатлар уюшмаси 15 иш кунида ғалла топшириш режасини бажаришга эришди.

Туман бўйича 50 та оддий ва 9 та "Кейс" русумли комбайнлар ҳозир ҳам кеча-кундуз ишлатилмоқда. Туман хўжаликларида ўрим-йиғимнинг жадал олиб борилаётганлигида 74-автокорхона жамоасининг ҳам муносиб улуши бўляпти. Корхона ҳайдовчилари янчилган донни омборхоналарга пешма-пеш етказиб бермоқдалар.

Хўжаликларда ғалла ўрим-йиғими жадал давом этмоқда. Ғаллакорлар жами ҳосилни 42 минг тоннага етказишга аҳд қилганлар.

Диққат, кўрик-танлов!

БОҒ ЯРАТГАННИНГ НОМИ АБАДИЙ

"Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими "Ўлкамиз боғлари нуронийлар эътиборида" шиори билан ташаббус бошлаган эди. Шуни қувонч билан айтиш керакки, ўтган вақт мобайнида бу ташаббус кенг оммалаша бошлади. Хайрли ишда нуронийлар, фахрийлар, кекса миришкорлар, ҳаваскор боғбонлар фаол иштирок эта бошладилар

"НУРОНИЙ" ЖАМҒАРМАСИ фуқароларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш, ташаббусни янада кенг ёйиш мақсадида "ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" газетаси билан ҳамкорликда кўрик-танлов ўтказишга қарор қилди. Танлов шартларига кўра мевазор боғларининг майдони бир гектардан кам бўлмаган, кўчатларнинг агротехника қоидаларига мос равишда жойлашишини таъмин этган, дарахтларни буташ, шакл бериш, ўғитлаш, қатор ораларига ишлов беришни рисоладагидек ўтказаётган, боғбонларга зарур шарт-шароитлар яратиб бераётган, уларнинг моддий манфаатдорлигини доимо назарда тутадиган, ўзининг билими, амалий тажрибаси, янги навларни яратишга озми-кўпми ҳисса қўшаётган, маҳоратлари, малакалари талаблар даражасида бўлган, боғлардан яхши иқтисодий самара кўраётган, янгидан экилган кўчатларни деярли тўла сақлаб қолинишига эришаётган, ҳосилдорликни йилдан-йилга ошириб бораётган боғбонлар, фуқаролар иштирок этадилар. Шартлар қандай бажарилганлигини малакали мутахассислардан иборат ҳайъат аъзолари аниқлайдилар.

Ғолиблар учун учта совринли ўрин белгиланди:
биринчи ўрин учун 25 минг сўм;
иккита иккинчи ўрин учун 15 минг сўмдан;
учта учинчи ўрин учун 10 минг сўмдан пул мукофоти берилади.

Бундан ташқари кўрик-танлов давомида ҳайъат аъзолари "Оилавий боғлар", "Энг яхши боғ", "Энг миришкор боғбон", "Мураббий боғбон" номларига муносиб топилганларни ҳам аниқлайдилар, мукофот ва совринларга тавсия этадилар. Ғолибларга пул мукофотлари, совринлар билан бирга биринчи, иккинчи ва учинчи даражали дипломлар, фахрий ёрлиқлар ҳам топширилади.

Танловга йил охирида якун чиқарилади. Натижалари матбуотда эълон қилинади, мукофотлар топширилади.

Вилоят "Нуроний" жамғармаси "Тошкент ҳақиқати" таҳририяти.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

КЎРГАЗМАЛАРДА ШАҲАР ТАРИХИ

"ЯНГИЙЎЛМЕБЕЛЬ" ҳиссадорлик жамияти жамоаси турли-туман хайрия ишларида фаол қатнашмоқда.

Жумладан, маънавият ва маърифатни тарғиб этувчи шаҳар мактаб музейининг барпо этилишида маблағ билан ёрдам берди. Шаҳар маорифи ва маданияти тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи турли кўргазмаларни тўплашдаги кўмаги ҳам салмоқли бўлди.

Корхона ҳомийлигида музейда "Янгийўл шаҳри одимлари" деган катта намойиш лавҳаси ташкил этилди. Уни маданият масканига ташриф буюрувчилар катта қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

Акбар АЛИЕВ.

ЎҚУВЧИЛАР ҲУНАР ЎРГАНИШМОҚДА

ОҲАНГАРОН шаҳридаги болалар ва ўсмирлар техникавий ижод марказида ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун барча қулайликлар яратилган. Ўқувчилар ўқишдан бўш вақтларида марказга келиб, ўзлари қизиққан тўгаракларда фаол қатнашмоқдалар.

Тажрибали мураббийлардан Эльвира Жукова, Разали Муҳамеджонова, Дилфуза Тожибоева, Югай Татьяна ва бошқалар ўқувчиларнинг касб сирларини пухта ўрганишларида, айниқса, жонбозлик кўрсатишяпти. Шу сабабли ҳам ўқувчилар томонидан тайёрланган буюмлар, тикилган кийим-кечаклар, яратилган санъат асарлари кўпчиликка манзур бўлаётир.

Абдурафиқ МАҲКАМОВ.

ПУХТА БИЛИМ НАМОЙИШИ

"ОИЛА ЙИЛИ" муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Бўстонлиқ тумани Юсуфхона қўрғонида жойлашган "Ниҳол" болалар оромгоҳида "Мустаҳкам оила — қудратли Ватан" мавзусида минтақавий фестивал бўлиб ўтди.

Уч юздан ортиқ қатнашчи, хусусан, "Ёш куч", "Амир Темур", "Оқ елкан" сингари оромгоҳларда дам олаётган ўқувчилар халқ оғзаки ижоди, спорт беллашувлари, ўлкашунослик ва экология масалалари бўйича ўз билим ва маҳоратларини намойиш этишди.

Қизиқарли ўтган фестивалда "Ниҳол" оромгоҳи дам олувчилари ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиб, деб топилди. Ғолибларга ҳомийлар томонидан ажратилган махсус совға, барча иштирокчиларга эса эсдалик буюмлари топширилди.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

АҲОЛИГА МАНЗУР БЎЛДИ

ВИЛОЯТИМИЗДАГИ йирик саноат шаҳри бўлган Чирчиқ кундан-кунга гўзаллашиб, обод масканга айланиб бормоқда. Бу ерда қатор янги саноат корхоналари, турар-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилаётир.

Куни кеча шаҳарнинг "Конструктор" даҳасида 60 хонадонга мўлжалланган бино қурилиб битказилди. Замонавий услубда, барча қулайликларга эга бўлган уйни "Чирчиққурилиш" ҳиссадорлик жамиятига қарашли 17- ва 277-кўчма қурилиш жамламалари бунёд этдилар.

Фойдаланишга топширилган бинодаги хонадонларнинг ҳар бирига учтадан яъни сув, газ ва канализация учун ҳисоблагичлар ўрнатилди. Энди хонадон соҳиби газ, сув ва канализациядан қанча тежамли фойдаланса, шунча яхши. Кам пул тўлайди. Бу янгилик аҳолига манзур бўлди.

Рихситилла КАРИМОВ.

ҚУЁШ — ХИЗМАТДА

ЎЗБЕКИСТОН серқуёш ўлка. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз энергетика тармоғида қуёш қувватидан унумли фойдаланиш масаласига катта эътибор бериляпти.

Бу борада олиб борилаётган тажриба-намуна-саноат кузатиш ишлари ҳам яхши натижалар бермоқда. Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академияси "Қуёш физикаси" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан Пскент туманида ўрнатилган қуёш печи қурилмаси ёрдамида юқори сифатли сопол идишлар, ўткир тиғли кесиш асбобларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, саноат асосида турли изоляторлар тайёрлашга ҳам киришилди.

А.АКБАРОВ.

КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

МАМЛАКАТИМИЗ Президенти Ислом Каримовнинг "Тафаккур" журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблари Ўзбекистон аҳолисининг ёшу қарисида катта қизиқиш уйғотди. Чунки, уларда ҳозирги ҳаётимиздаги энг долзарб масала—жамиятимизнинг маънавий тараққиёти, тарихимиз ва келажагимиз билан боғлиқ муаммолар, уларнинг ечимлари, бугунги кунда замон ўртага қўяётган янги-янги муаммолар ҳақида давлатимиз раҳбарининг чуқур фикр-мулоҳазалари ўз аксини топган.

Ҳозир ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса, билим даргоҳи, маҳалла, ҳатто, оилаларда ҳам ушбу савол-жавоблар зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Куни кеча Тошкент Давлат аграр университетида Президентимизнинг мазкур жавобларга бағишланган давра суҳбари бўлиб ўтди.

Қуйида баҳс-суҳбат иштирокчиларидан баъзиларининг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ИНСОН КОМИЛ БЎЛИШИ КЕРАК

Ҳасан БЎРИЕВ, — Тошкент Давлат аграр университети ректори, профессор, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати:

— Мен гапимни Президентимизнинг Самарқанд вилоятида бўлиб, буюк ҳадисшунос, имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан Челак туманидаги Хартанг қишлоғида бунёд этилаётган улкан ёдгорлик мажмуи қурилишини бориб кўрган вақтда айтган қуйидаги сўзларидан бошламоқчиман: "*...Инсон ислоҳотларнинг мақсадини тушуниши учун унинг онги, дунёқараши, маънавияти шунга мос бўлиши керак. Ислоҳотларнинг негизига етиб бориш учун эса миллий қадриятларимиз асосида комил инсонни тарбиялашимиз лозим. Шу сабабли биз маънавиятга кўпрок эътибор бериб, уни иқтисодий ислоҳотлар билан тенг қўйяпмиз, баъзида эса устун ҳисоблаяпмиз".*

Мана, истиқлолни қўлга киритганлигимизга ҳам 7 йил бўляпти. Ана шу ўтган давр ичида юртимизда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Аммо, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрнини янада кўтариш, унинг юқори даражада ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишини таъминлаш учун иқтисодий ислоҳотларни янада жадал, изчил олиб боришимиз лозим бўлади. Иқтисодни кўтариш вазифаси эса билимли, малакали кадрлар қўлида.

Инсон ҳар қанча билимли, маҳоратли бўлмасин, унинг маънавияти юксак бўлмаса, онгида она-юртидан, унинг ўтмиши, бой маънавий меросидан, ўзининг шу халқ фарзанди эканлигидан фахрланиш ҳисси бўлмаса, буюк ўзгаришлар қилишга қодир эмас. Майда-чуйда нарсаларга ўралашиб, саёз фикрлар билан банд бўлиб, асосий ишлардан чалғиб қолиши мумкин. Баъзида эса, турли оқимлар, ғояларга берилиб, зарарли хатти-ҳаракатлар қилиб қўйиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шунинг учун ҳам ҳозирги ўқув даргоҳлари профессор-ўқитувчиларининг вазифаси — онги, дунёқараши ҳар томонлама юксак шаклланган инсонни тарбиялашдир. Шунинг учун ҳам университетимизда ўқув жараёнларини такомиллаштириш, талабаларнинг ҳозирги дунё фани ютуқларидан тўла баҳраманд бўлишларига эришишларига ҳаракат қилмоқдамиз.

Шу билан бир қаторда ёшларнинг маънавий камолоти доимо диққат-марказимизда турибди. Сабаби-йигирманчи аср бошидаги дунёқараш билан ҳозирги пайтдаги дунёқараш ўртасидаги фарқ анча ўзгарганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ҳозирги вазият фақат ғояга қарши ғоя, фикрга қарши асосли фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билангина бахсга киришиш лозимлигини тақозо қилмоқда. Бу ишни эса билимдон, маърифатли, маданиятли, маънавияти юқори бўлган кишиларгина уддалай олади.

Шу сабабли ҳам Президентимиз ўз жавобларида таълим-тарбия масаласига жуда катта эътибор бердилар. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганларидек, *"Таълим-тарбия — онг махсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди".*

Университетимиз жамоаси ўқув-тарбия жараёнини ана шу юқоридаги фикрлар асосида ташкил этишни бош мақсад қилиб қўйган. Шу асосда тадбирлар белгилаб, уларни изчил амалга ошириямиз. Ҳаракатларимиз зое кетмаяпти. Талабаларимиз ўз соҳалари бўйича пухта билим олишлари билан бир қаторда юксак эътиқодли, ватанпарвар, маданиятли, ҳар қандай гуруҳ ва оқимлардан маънавий жиҳатдан устун бўлган комил инсонлар бўлиб чиқмоқдалар.

МАФКУРАНИ БИР КУНДА ЯРАТИБ БЎЛМАЙДИ

Иброҳим ХЎЖАМУРОДОВ, — фан доктори, профессор:

— МАЪЛУМОТЛАРГА қараганда, Ўзбекистон аҳолисининг 44 фоизини 18 ёшгача, 60 фоизини 30 ёшгача бўлганлар ташкил қилар экан. Агар буни чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, юртимиз нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки, салоҳият жиҳатидан ҳам улкан имкониятлар мамлакати эканлигини ҳис қилиш қийинмас. Чунки, келажагимизни, фаровонлигимизни, куч-қудратимизни ана шу ёшлар яратадилар. Фақат, уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Ўтган йили Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган қадрлар тайёрлашнинг миллий дастури бу йўлдаги муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин. Унда таълимнинг янги моделини қарор топтиришга алоҳида эътибор берилди. Зеро, юртбошимиз айтганларидек, *"Таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча зарур шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва акидалардан холис бўлади. Ва ҳар қайси инсон Оллоҳ таоло ато этган қобилият ва истеъдодни аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришади-ки, унинг сўръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас.*

Бизнинг ҳозирги ишимизга ана шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, таълим-тарбия соҳасида хизмат қилувчиларнинг жамият олдидаги, келажак олдидаги маъсулияти ниҳоятда улканлигини ҳис қилиш мумкин. Агар биз ёшларга пухта билим берсагу, лекин, мафкурасига, маънавиятига эътибор бермасак хато қилиб қўйишимиз ҳеч гап эмас. Яъни у фанларни пухта ўзлаштириши, яхши мутахассис бўлиб етишиши мумкин. Агар унинг онгини бизга ёт бўлган мафкура эгаллаган бўлса, ёмони шунда. Чунки, биз берган билимни эгаллаган инсон маҳоратини бошқа мафкура хизматига сарфлаши мумкин.

Демак, биз жорий этилаётган таълим модели орқали, аввало, ана шундай салбий ҳодисаларнинг олдини олиш учун курашмоғимиз лозим. Зеро, ёшларни муайян ихтисосга эга қилиб, ҳаётга йўлланма берар эканмиз, уларнинг маънавий камолотига, дунёқарашига ҳам эътибор берсак, мустақил ҳаётга қадам қўяётган инсон ҳаётдан муносиб ўрин топади. Турмушидан, тақдиридан рози бўлиб яшайди. Умр бўйи халқимизга ёт бўлган ғоялар таъсирига берилмай, бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлади.

Ҳозир ахборот олиш имконияти шундай кенгайиб кетди-ки, жаҳоннинг турли бурчакларида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан замонавий техника ёрдамида бир зумда воқиф бўлиш мумкин. Аммо, ўша воқеа ва ҳодисаларнинг шарҳидан жуда эҳтиёт бўлишимиз, яхшидан ёмонни фарқлай олишимиз керак. Чунки, оддий бир таҳлил тагида ёшларнинг дунёқарашига салбий таъсир этадиган фикрлар ётиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу сабабли вазият биз — таълим-тарбия соҳаси вакилларидан ушбу муаммога алоҳида эътибор беришни талаб этаётганини бир дам бўлсада унутмаслик керак.

ЭРКИН ШАХС — МУСТАҚИЛ ҲАЁТ БУНЁДКОРИ

Муҳаррам РАҲМОНОВА — университет сиёсатшунослик кафедраси доценти, маънавият ва маърифат маркази мудири:

— Менимча ёшларнинг мустақил фикрлай олиш қобилиятини ривожлантириш ҳозирги таълимнинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Ўзингиз ўйланг, агар одамнинг бирор нарса, воқеа, ҳодисага нисбатан ўз фикри бўлмаса, бошқалар нима деса, шунга эргашиб кетаверади.

Уларни баркамол инсон деб бўлмайди. Ундайларни муте дейишади. Мутеъдан ҳеч қачон ижодкор, бунёдкор чиқмайди.

Яқин-яқинларгача ҳукмронлик қилиб келган шўролар тузими ватанига, халқига, миллатига фидокор, мустақил фикрлайдиган, бирор бир масалани онгли равишда, маъсулият билан ҳал қиладиган, изланувчи, янгиликка интилувчи кадрларни эмас, асосан саёз савияли ходимларни, мутеъ кишиларни етиштирган эди. Чунки, ўша тузим учун ўйламасдан иш қиладиганлар керак эди-да!

Мустақил Ўзбекистонимизга эса, ўз ақли, тафаккури, ўз меҳнати билан Ватан равнақи учун хизмат қиладиган, бу йўлда лозим бўлса ўз жонини аямайдиган етук инсонлар керак. Ана шундайлар оилаларда, мактабларда, олий ўқув юртларида камол топадилар. Бунга ҳамма жойда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш билан эришиш мумкин.

Биз келажакда халқаро майдонда бошқа мамлакатлар билан соғлом фикр мусобақасига, ижодий рақобатга киришмоғимиз аниқ. Келажагимиз эса мана шу мусобақа ва рақобатга қандай бардош бера олишимизга боғлиқ. Бунинг уддасидан фақат ўз ихтисосини чуқур эгаллаган, ўз юрти, халқини жон-танидан севадиган мустаҳкам эътиқодли, тафаккур доираси кенг бўлганлар чиқади. Улар эса кўпчиликни ташкил этади. Фақат, ушбу фазилатларни мустақил диёримизнинг ҳар бир фуқароси онгида шакллантиришимиз лозимдир.

ҲАМЖИҲАТЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Темур МИРОҚИЛОВ — фан доктори, профессор, Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби:

— ТИНЧЛИКнинг қадрини уруш кўрган, унинг даҳшатларини ҳис қилган одам яхши билади. Масалан, Тожикистонда, ўзингиз биласиз, бир неча йилдирки, биродаркушлик давом этмоқда. Турли ғоялар, мафкураларни шиор қилиб олган гуруҳлар ўз мақсадларига эришиш учун ҳар қандай жирканч жиноятдан қайтмаяпти.

Натижа эса аён. Иқтисодиёт издан чиққан. Ривожланиш тўхтаб қолган. Буларнинг ҳаммаси бечора халқнинг бошига балолар ёғдираяпти.

Хўш, бунинг асл сабаби нимада? Менимча, ўз халқи, миллати, Ватани учун жон фидо қилишга тайёр бўлган мустаҳкам эътиқодли кишиларнинг йўқлигида. Иймони, эътиқоди мустаҳкам бўлмаганлар кимларнингдир манфаати йўлида бир-бирига ўқ отиш билан машғул.

Очиғини айтиш керак, Ўзбекнинг, Ўзбекистонликнинг пешонаси ярқираган экан. Яъни, пешонасига Ислом Каримовдек халқпарвар, тараққийпарвар, билимли, заковатли инсоннинг Президент бўлиши ёзилган экан. Тожикистонда ҳам Ислом Каримовнинг номини барча ҳурмат билан тилга олади. Унинг халқ учун, Ўзбекистоннинг келажаги учун тинмай кураш олиб бораётганига ҳавас қилади.

Ахир ҳавас қилмай бўладими?

"Тафаккур" журнали бош муҳаррирининг "Сизнинг фаолиятингиздаги энг устивор йўналиш, энг олий мақсад нимадан иборат" деб берган саволига Ислом Каримов:

" Агар бу саволга бир оғиз сўз билан жавоб бериш лозим бўлса мен "Халқимнинг омонлиги" деб айтган бўлардим. Содда қилиб айтганда, элу юртимизнинг осойишталиги, осмонимизнинг мусаффолиги, сарҳадларимизнинг бехатарлиги, бугунги кунимиздан розилик, эртанги ҳаётга ишонч, оналаримиз ва фарзандларимиз юзидаги табассум, бу — мен фаолиятимда интиладиган энг олий мақсаддир. Халқимизнинг осойишталиги ва фаровонлиги мен учун ҳамма нарсадан афзал" деб жавоб берадилар.

У кишининг доно раҳбарлиги остида мамлакат жуда катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Одамлар бугунги кунидан мамнунлик, эртанги кунига ишонч ҳисси билан яшамоқдалар. Халқ учун ҳам, юртбоши учун ҳам бундан ортиқ бахт борми?

Мен мана икки йилдирки, Ўзбекистонда яшаяпман. Илгари ҳукумат томонидан берилган, фойдали саҳни 100 квадрат метрдан ортиқ данғиллама уйим, хизмат машинам, ҳамма қулайликларга эга бўлган дала ҳовлим бор эди. Фарзандларим ҳам ўқимишли эдилар. Лекин, бешафқат уруш туфайли кўп нарсадан айрилдим. Ҳозир Бардонқўлда тинчгина яшаяпман. Ишга жамоат транспортида қатнаяпман. Лекин ҳаётимдан хафа эмасман. Баъзан, одамларнинг юзидаги табассум, эртанги кунга ишонч, бунёдкорлик меҳнатининг самараларини кўриб, ўйланиб қоламан: тинчлик-омонлик қандай яхши! Ўзбекистон халқининг бошига қўнган бахт абадий бўлсин. Илоё Тожикистонга ҳам шундай кунлар насиб этсин!..

ҲАМФИКР, ҲАМНАФАС БЎЛИБ...

Обид ОРТИҚОВ — Қибрай туманидаги "Исломобод" маҳалласи оқсоқоли:

— Маҳалламиз аграр университетининг шундоққина ёнгинасига жойлашган. Маҳалла аҳлларининг кўпчилиги ана шу дорилфунунда ишлайдилар, бола-чақа боқиб, оила тебратишади, болаларимиз ана шу ерда ўқишади. Маҳалламиз билан билим даргоҳи ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз.

Дорилфунун профессор-ўқитувчилари одамлар орасида тез-тез бўлиб, маърифат, маънавиятга оид суҳбатлар уюштирадилар. Фойдали таклиф ва мулоҳазаларни ўрганиб, уларни ҳал этишга кўмаклашадилар. Университет маъмурияти эса бизга моддий жиҳатдан катта ёрдам беряпти.

Бундай ҳамкорлик ўз самарасини кўрсатмоқда. Маҳалламизда ҳамма ўрнак бўладиган ибратли оилалар кўпайди. Одамлар, ёшлар ўртасида жиноятчилик барҳам топди, ҳисоб. Биз Президентимизнинг "Тафаккур" журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларидан зўр қониқиш ҳосил қилдик. Ундаги фикрлар, вазифаларни келгуси фаолиятимиз учун харакат дастури сифатида қабул қилганмиз. Бундан буён ушбу дастуримизни амалга ошириш, юксак маданиятли, маърифатли, мафкураси соғлом, иймон-эътиқоди мустаҳкам комил инсонни тарбиялаш йўлида ҳаракат қилаверамиз.

Каримжон РИХСИЕВ. "Тошкент ҳақиқати" махсус мухбири.

ТАҲЛИЛ ВА САБОҚ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Халқ хўжалигининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда саноат мажмуасининг роли каттадир. Ўтган ярим йилликда бу тармоқ ходимлари баракали меҳнат қилишди. Жами бўлиб 50 миллиард сўмликдан кўпроқ ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 миллиард сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқардилар. Ўсиш суръати 104 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулотининг 77,1 фоизи нодавлат секторига тўғри келди. Вилоятимизнинг қурилиш материаллари, металлургия, ёқилғи-энергетика саноатлари, машинасозлик тармоқларида сезиларли силжишга эришилди.

Ҳисобот даврида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш давом эттирилди. Шу туфайли ҳам ўтган ярим йилликда бу соҳада етиштирилган жами маҳсулотнинг салкам 98 фоизи нодавлат сектори улушига тўғри келди.

Кўриниб турибдики ютуқлар салмоқли. Лекин вилоятда бозор иқтисодиётини шакллантириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида йўл қўйилаётган камчиликлар ва нуқсонлар, фойдаланилмаётган ички имкониятлар ҳам кўп. Масалан, қимматли қоғозлар ва акцияларни сотишдан пул тушуми топшириғи умуман бажарилган бўлса-да Янгийўл шаҳрида, Оққўрғон, Оҳангарон, Бўка, Зангиота, Пскент, Ўртачирчиқ ва Янгийўл туманларида шу кунга қадар бир дона ҳам акциялар сотилмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Йиғилишда мазкур шаҳар ва туманлар ҳокимлари ва хусусийлаштириш бошқармалари раҳбарларининг бу соҳадаги лоқайдлиги қаттиқ танқид қилинди.

Иккиламчи қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, якка тартибда уй-жой қуриш учун ҳамда ёрдамчи хўжалик олиб бориш учун ер участкаларини сотиш, кўчмас мулк объектларини ким ошди савдоларига қўйиш ҳам кўнгилдагидек эмас. Шуни айтиш кифояки, Оҳангарон, Янгийўл шаҳарлари, Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Қуйичирчиқ, Пскент, Тошкент, Чиноз ва Янгийўл туманларида йил бошидан бери бирорта ҳам ер участкаси сотилмаган. Кўчмас мулк объектларини сотиш бўйича топшириқлар ҳам барбод қилинди.

Ҳисобот даврида вилоятимизда 16 минг 434 та янги иш жойлари яратилди. Ишга лаёқатли аҳолини меҳнатга жалб қилиш 3,7 фоизга ўсди. Лекин, бу соҳада ҳам мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Аввало бу кўрсаткич бўйича ярим йиллик режа бажарилмади. Айниқса, қишлоқ жойларда янги иш жойларини очиш масаласи эътибордан четда қолмоқда. Умуман вилоятдаги 21 та шаҳар ва тумандан 9 тасида топшириқ бажарилмади. Оҳангарон шаҳрида эса у 45,1 фоиз, Олмалиқда 74,3 фоиз, Қуйичирчиқ туманида 54,1 фоиз, Паркент туманида 67,5 фоиз, Янгийўл туманида 70,8 фоиз бажарилди, холос. Чиноз ва Юқоричирчиқ туманлари ҳам режани уддаламадилар.

Ваҳоланки, ҳар йили қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ўртача 17 минг кишини озод этиб, бошқа тармоқларга жалб этиш назарда тутилган. Афсуски, туманларда бу ишга етарли эътибор берилмаяпти. Оқибатда ўтган даврда бор-йўғи 2756 киши қишлоқ хўжалигидан бошқа хизматларга ва ишлаб чиқаришларга жалб этилди. Қатор туманларда бу муҳим топшириқнинг бажарилишига ўта масъулиятсизлик билан муносабатда бўлинди. Йиғилишда барча шаҳарлар ва туманларда бу масалани яна бир бор таҳлил этиб, тегишли хулоса чиқариш ва уни бажариш учун қўшимча чора-тадбирлар белгилаб, амалга ошириш талаб этилди.

Йиғилишда қайд қилинганидек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўсишга эришилган бир пайтда корхоналарнинг 112 таси ёки 39,9 фоизи ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юборди. Энг зарур 67 турдаги саноат маҳсулотининг 43 тури бўйича ишлаб чиқаришда орқага кетилди. Чирчиқ шаҳри, қатор туманларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари таъминланмади. Бунинг энг асосий сабаби корхоналарда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлигидадир. Масалан, у рангли металлургияда 73,5 фоизни, озиқ-овқат саноатида 75,2 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам бой берилаётган имкониятлар бор. Биринчи навбатда чорвачиликдаги аҳволни барқарорлаштириш, ерларнинг унумдорлигини ошириш, деҳқончилик маданиятини кўтариш, қишлоқда ҳақиқий ер ва мулк соҳибларини тарбиялаш, шакллантириш устида чуқурроқ ишлаш зарур.

Вилоятнинг етакчи тармоқларида таркиб топган барқарорлик унинг молиявий аҳволига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ҳисобот даврида молиявий аҳволни соғломлаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, накд пул муомаласини барқарорлаштириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Маҳаллий бюджетнинг даромад қисми 100,2 фоиз қилиб бажарилди.

Лекин шунга қарамай вилоятда молиявий аҳволни соғломлаштириш юзасидан ҳали кўп иш қилиниши зарур. Вилоятда солиқ ва тушумлар бўйича башорат кўрсаткичлари умуман бажарилган бўлса-да, лекин жисмоний шахслардан даромад солиғи, мулк солиғи, ер солиғи олиш режалари бажарилмай қолди. Солиқ идоралари томонидан назоратнинг етарли ташкил этилмаганлиги бунинг асосий сабабидир.

Умуман, ўтган ярим йилликда халқ хўжалигининг барча соҳаларида ўзгаришлар юз берди. Ютуқлар ва янгиликлар кўп. Лекин давр, бозор иқтисодига ўтиш шароитлари барчадан янада самарали ва ташаббус кўрсатиб, чуқур масъулият ҳисси билан ишлашни талаб этмоқда. Йиғилишда кўрсатиб ўтилганидек, энг муҳими вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитлари, ички имкониятлари катта. Уларнинг ҳаммасидан аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланиш, диққат-эътиборни йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиб, иқтисодиётнинг барча соҳаларида катта ижобий силжишларга эришиш лозим.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари, Макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов сўзга чиқди.

Фаоллар йиғилиши муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди, ҳамда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар белгилади.

Чиноз пахта тозалаш корхонасининг тола ажратиш цехида созловчи уста бўлиб ишловчи Абдулла Зуфаров ва ишчи Тамара Петроченколар ўз касбининг фидойилари ҳисобланишади.

Абдужалол РАҲИМОВ суратга олган .

БИЗ ҚИЛМАСАК, КИМ ҚИЛАДИ?

БИЗ таълим олаётган ўқув маскани экология лицейи, деб аталади. Бу ердаги юзлаб талабалар она-табиат билан атрофлича таништирилади, уни асл ҳолида, борлигича сақлаб қолиш, муҳофаза этиш билан боғлиқ бўлган ва бошқа шу каби муаммоларни чуқур ўрганадилар. Экологияни чуқурроқ ўрганганимиз сари қурраи заминимиз табиати исталган даражада эмаслигидан ачиниш ҳисси ортиб бормоқда.

Бунга, асосан, табиатнинг энг олий мавжудоти бўлган инсоннинг ўзи айбдор бўлаётганлигидан минг чандон афсусланасан, киши. Унинг хўжалик фаолиятидан ўрни тўлдириб бўлмас зиён кўраётган табиат ҳам ўз аламини олмоқда. Оқибатда ўрмонлар, бутун-бутун сув ҳавзалари, минглаб жониворлар, ўсимликлар йўқ бўлиб кетмоқда. Эндиликда уларнинг ўрнини тўлдириб бўлмайди. Шунинг учун борларини асраб-авайлаш, сақлаб қолиш ва кўпайтириш керак.

Бунинг учун ҳамма жойда — мамлакатимиз, шу жумладан, пойтахт вилоятимизнинг ҳар бир бурчагида экологик тарғиботни кучайтириш, атроф муҳит мусаффолигини таъминлаш ишига кенг жамоатчиликни жалб қилиш керак. Ҳаммамиз табиатимизнинг бугунги жозибасини сақлаб қолиш, унга путур етказмаслик учун жон фидо қилсаккина, мақсадга эришишимиз мумкин.

Ҳал қилинишини кутаётган экологик муаммоларга ҳар қадамда дуч келинмоқда. Шаҳар-қишлоқларнинг ифлосланиши, сув манбалари соҳилларининг турли зарарли чиқиндиларга "макон" бўлгани, ҳар

Куюнчак газетхонлар бонг уради

ер-ҳар ерда уюлиб ётган ахлатлар, ичимлик сувидан экинларни суғоришда фойдаланиш, дарахтлар шохларини синдириш, кўчатларни суғуриб кетиш ва бошқа шу каби лоқайдлик оқибатларини санаб ўтишнинг ўзи кифоядир.

Буларнинг ҳаммаси экологик маданиятимизнинг пастлигидан дарак беради. Ҳа, бу маданиятни ошириш учун шошилинч чоралар кўриш вақти келди. Биринчи навбатда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида экологик тарғибот ишларини кучайтириш лозим. Лицейимизнинг ўқитувчилари ва ўқувчилари жамоалари бу ишга озми-кўпми ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Маҳаллаларда, аҳоли манзилгоҳларида экологик билимни ёйиш билан шуғулланяпмиз. Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида қишин-ёзин фаол қатнашишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Она-сайёрамизни аслича сақлаб қолиш, айниқса, биз ёшларнинг қўлимиздадир. Бундай ишларни биз қилмасак ким қилади. Шунинг учун ҳам лицейимиз жамоаси номидан ватандошларимизга, айниқса, ёшларга мурожаат қилиб, уларни табиатимизни авайлашга, кўз қорачиғидек сақлаб, келажак авлоднинг ҳам унинг гўзаллиги, латофатидан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун ҳормай-толмай курашишга даъват этамиз.

Жавоҳир АҲМЕДОВ, Раҳматжон МАЛЛАХОНОВ, Умар МИРХОНОВ, Ваҳобиддин АСҚАРОВ, 305-экология лицейининг битирувчилари.

ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНМОҚДА

«Оҳангаронпластмассқурилиш» хиссадорлик жамиятида шу кунларда олмонларнинг «ERMAFA» фирмасининг линолиум ишлаб-чиқариш бўйича янги ускуналарини ўрнатиш охирига етказилмоқда.

Суратларда: машинист Фахруллахон Зиёвуддинов ва аппаратчи-машинист Рамиль Аминовлар; ускуналарни созлаш ишлари давом этмоқда; аралашмалар тайёрловчи ишчи Марат Исмагилов; янги олмон ускуналари ўрнатилган линиянинг умумий кўриниши.

Владимир ПОРТНОВ олган суратлар.





ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1225 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҚУТЛУҒ КУНГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Бутун мусулмон оламида таниқли аллома, ҳадис илмининг султони имом Ал-Бухорийнинг 1225 йиллик муборак таваллуди байрами тобора яқинлашмоқда. Юбилей муносабати билан ул зоти шарифнинг Самарқанд вилояти Челак тумани Хартанг қишлоғидаги абадий қўним топган масканида шарқона меъморчилик анъаналари асосида улкан ёдгорлик мажмуаси бунёд этилмоқда. Айни вақтда теварак-атрофни ободонлаштириш, йўлларни таъмирлаш, муҳандислик, коммуникация тармоқлари қуриш ишлари ҳам жадал бормоқда. Айрим мураккаб ишларни бажаришда чет эллик фирма ва компаниялар кўмаклашмоқда.

Юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита аъзоларидан бир гуруҳи ўтган шанба куни Самарқандда бўлди. Республика бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков бошчилигидаги бу гуруҳ мазкур мажмуада ва бошқа объектларда олиб борилаётган ишларнинг кўлами ва сифати билан танишди.

Ташкилий қўмита йиғилишида республика вазирлик, концерн, идоралар, ташкилотлар раҳбарлари, вилоят ҳокимлиги ходимларининг бу борадаги ахборотлари тингланди. Амалга оширилган ишлар пухта таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгиланди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, барча қурилиш материаллари етарли бўлишини таъминлаш зарурлигига эътибор қаратилди. Мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, Самарқанд вилоят ҳокими А. Мардиев қатнашди.

Ҳамза ШУКУРОВ, ЎзА мухбири.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Молия вазирлигида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида корхоналарнинг институционал ривожланиши учун кредит битими имзоланди.

Ҳозирги кунда республикамиз ҳукумати корхоналарни хусусийлаштириш, уларнинг иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлашга катта эътибор бермоқда. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ажратиладиган кредит ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Битимни Ўзбекистон Республикаси Молия вазири Ж. Сайфиддинов ҳамда Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчиси Вернер Ройдер имзолади.

(ЎзА).

ОНГЛИ ТУРМУШ — *жамият тараққиётининг бош мезони*

XXI АСР ЁШЛАРИ

Биз, бугунги ўзбек ёшлари — ўзига катта имкониятлар берилган, тевараги доно, бағри кенг, меҳрибон ва айни пайтда талабчан суянчиқлари бўлган бахтиёр авлодимиз.

Тўғрисини айтсам, Президентимизнинг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватловчи "УМИД" жамғармаси томонидан "биринчи қалдирғочлар" қаторида АҚШга ўқишга юборишга қарор қилинган, кўп ўтмай Уммон ортига жўнаётган пайтим бу масъулиятни ҳозиргидек теран англамаган эдим. Бир маҳаллар хорижда таҳсил олиш, бунинг баробарида дунёни кўриш юртдошларимиз учун ушалмас орзу эди. Мустақиллигимиз шарофати билан бу оддий ҳолга айланиб бормоқда.

...Тақсимот бўйича АҚШнинг Алабама штати университетига йўлландим. Дастлаб кўнглимда бироз безовталик бор эди. Чунки, нима бўлганда ҳам Америка — катта давлат. У ерда ўқиш қандай кечади, америкалик тенгдошларим билан тенгма-тенг ўқиб-ўрганишга курбим етармикин, деган саволлар мени ўйлантирмаслиги мумкин эмасди. Лекин, кейинчалик ҳаяжонлар ортда қолди, ҳаммаси бирма-бир изга туша бошлади. Ватанга катта ишонч билдирган Президентимиз ва умид боғлаган халқимиз олдига ёруғ юз билан қайтиш саодатидан бебаҳра қолмаслигимни сездим.

Америкада таълим тизими бутунлай ўзгача экани, инглиз тилини ҳали мукаммал даражада эгалламаганим озгина қийинчилик туғдирган бўлсада, тез орада барчасини ўзлаштириб кетдим. Тенгдошларим, домлаларимнинг ҳам менга меҳри оша борди. Ўқиш давомида эришган муваффақиятларим бизларни бир-биримизга яқинлаштирган бўлса, бўш вақтларда ўтказилган турли қизиқарли тадбирлар дўстлигимизни мустаҳкамлади. Ўша кунлари мен билим ва умумий савиям ортганидан ташқари, ўзга юрт, ўзга халқ, ўзга одату анъаналарни бевосита ўргандим, ватанга меҳрим ортди, энг муҳими, тафаккур ва дунёқарашимда катта ўзгаришлар юз бера бошлади.

Президентимизнинг онгни, тафаккурни ўзгартирмай туриб, кўзланган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди, деган сўзлари қалбимда чуқур ҳаяжон ва буюк эътироф ясаганининг сабаби ҳам шу. Зеро, йўлбошчимиз таъкидлаганидек, онгли турмуш, ҳақиқатан ҳам, жамият ҳаётининг бош мезонидир.

Дарвоқе, ўзим ҳақимда қисқача сўз. 1978 йилда туғилганман. Ҳозир Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида тажриба орттираяпман.

Таътил ниҳоясига етгач, АҚШда таҳсилни давом эттириб, Ўзбекистонга малакали мутахассис бўлиб қайтиш ниятидаман. Зеро, озод ва обод ватан барпо этиш ишига ҳисса қўшиш биз, ёшлар учун шарафли вазифадир.

Хуршиджон ШАМСИТДИНОВ, АҚШнинг Алабама штати университети III-курс талабаси. (ЎзА).

ДЕМОГРАФИК ШАРОИТ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ТАРЗИ

КУНИ КЕЧА пойтахтимиздаги "Ле Меридиан" меҳмонхонасининг Бухоро залида умумжаҳон аҳолишунослик кунига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Анжуманни "ЭКОСАН" халқаро жамғармасининг президенти Юсуф Шодиметов кириш сўзи билан очди.

Учрашувда ЮНЕСКО ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи жаноб Майкл Барри-Лейн нутқ сўзлади. У ЮНЕСКО номидан барча қатнашчи ва меҳмонларни самимий қутлар экан, мазкур тадбирларни ўтказишда ўзининг бевосита ёрдами билан кўмаклашаётган мувофиқлаштирувчи Алишер Икромовга миннатдорчилик билдирди. Инсоннинг барча ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, унинг серқирра саломатлиги хусусида қайғуриш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир, деди у. Оилага қачон, қанча фарзанд кераклиги оиланинг шахсий иши, аммо, уларнинг саломат бўлиб ўсиши жамият вазифаси.

Танаффусдан сўнг анжуманга раислик қилган ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси масъул котиби Алишер Икромов мажлисни давом эттирди. Жаҳон аҳолисининг 63 фоизи Осиё қитъасида истиқомат қилади, деди у. БМТнинг ҳар йили шу мавзуларга бағишлаб ўтказиб туриладиган анжуманларида демография, аҳолишунослик ва аҳолининг репродуктив саломатлиги каби масалалар кўриб чиқилади.

Йиғилишда Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги иқтисод илмий-текшириш институтининг бўлим мудири Равза Муртазинанинг "Марказий Осиё демографик шароитининг ривожланиши ва аҳоли турмуш тарзи яхшиланишининг асосий йўналишлари", макроиқтисодиёт институти бўлим бошлиғи Людмила Максаковнанинг "Ўзбекистон аҳолисининг тараққиёти", Тошкент Давлат университети руҳшунослик марказининг мувофиқлаштирувчиси Жамила Йўлдошеванинг "Ўзбекистонда демографиянинг асосий тамойиллари ва репродуктив саломатлик муаммолари" мавзуларидаги маърузалари тингланди. Учрашув сўнггида ЮНФПА ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили Ина Сингх якуний нутқ сўзлади.

Миркамол МИРАЛИЕВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

НИДЕРЛАНДИЯ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЎРТАСИДАГИ ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛДИ

Нидерландия Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни ратификация қилган Европанинг навбатдаги ўн биринчи давлати бўлди. Қарор қабул қилиш тартибига мувофиқ Нидерландия парламентининг ҳар икки палатаси мазкур Битимни барча депутатларнинг умумий розилигига кўра маъқуллади.

Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан 1996 йилнинг июнь ойида Флоренцияда имзоланган эди.

Ушбу Битимни ратификация қилиш жараёни уни Европанинг яна тўртта мамлакати — Бельгия, Люксембург, Португалия ва Франция қонунчилик идоралари кўриб чиққанларидан сўнг тўла ниҳоясига етади.

"ЖАҲОН" ахборот агентлиги.

НОУМИД ШАЙТОН

➡ ШУ ЙИЛНИНГ 26 июлида Камбоджада парламент сайловлари ўтказилиши аниқ бўлди. Бу воқеани кузатиб бориш учун халқро шарҳловчилар гуруҳи ташкил этилди.

Камбоджанинг собиқ бош вазири Нородом Ранарит сайловда ютиб чиқиш умидида эканлигини яширмаётир. Фунсинпек партиясининг раҳбари бўлган мазкур арбоб ўтган йилнинг июль ойида куч билан ҳокимиятдан четлаштирилган эди. Эндиликда у ғолиб чиққан тақдирда ҳозирги бош вазир Хун Сен билан иттифоқ тузиш эҳтимолини рад қилмоқда.

МУДДАТ — ИККИ ҲАФТА

➡ АФҒОНИСТОНДА ҳукмронлик қилаётган "Толибон" раҳбарлари ўзлари тасарруфида бўлган ҳудудлар аҳолисига мурожаат қилиб, икки ҳафта муддат ичида хонадонлардан телевизор, видеомагнитофон ва йўлдош антенналарни кўчага чиқариб ташлашни буюрди. Уларнинг фикрича, кинофильмлар, мусиқалар ислом ақидаларига ёт эмиш. Ҳозир "толиблар" эгаллаб турган жойларда кинотеатр ва бошқа кўнгилочар муассасалар беркитиб қўйилган.

ИЧКЕРИЯНИНГ "ИЧКИ" СИЁСАТИ

➡ ЯҚИНДА Чеченистон Ичкерия Республикаси ташқи ишлар вазири Мавлади Удугов ўз мамлакатининг Мусулмон пойтахтлари Иттифоқига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинганлигини хурсандчилик билан маълум қилди. Шунингдек, вазир келажакда халқаро майдонда Чеченистон алоҳида мавқега эга бўлади, деб айтди. Бундан сал олдинроқ Чеченистоннинг БМТга аъзо бўлиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ана шундай уринишлардан дастлабкиси бўлган бўлса, ажаб эмас.

ИНҚИРОЗДАН ЧИҚИШ ОСОНМАС

➡ АЙНИ КУНЛАРДА Россия Федерацияси юқори ва кичик палаталарида ҳукуматнинг молиявий ва иқтисодий инқироздан чиқиш режалари қаттиқ муҳокамадан ўтмоқда. Бош вазир Сергей Кириенконинг мазкур палаталардаги маърузалари турли хил таассуротлар уйғотди. Айримлар ёш бош вазирнинг фикрларига қўшилса, айримлар умидсизлик билдирмоқдалар. С. Кириенко фикрича, Россия иқтисодиётида янги босқич бошланмоқда. Инқироздан чиқиш учун камида 20 миллиард доллар миқдорида хориж қўмаги зарур бўлади. Хусусан, бош вазирнинг куни-кеча Японияга қилган расмий ташрифи давомида 800 миллион долларлик шартномага имзо чекилиши кутилмоқда.

ПАРВОЗ ҚИЛИБ, ҚАЙТА ҚЎНДИ

➡ АҚШнинг "Америкэн эйрлайнз" авиакомпаниясига қарашли "А—300" ҳаво кемаси Пуэрто-Риконинг Сан-Хуан шаҳри аэропортида ҳавога кўтарилиб, шу заҳотиёқ ерга қайтиб қўнишга мажбур бўлди. Ичида 242 йўловчи ва 9 нафар экипаж аъзолари бўлган ушбу тайёранинг қайта ерга қўнишига чап двигателдан чиққан ёнғин сабаб бўлди.

"ЖОСУС ИШИ" ҚАРИМАС

➡ ШАРҚИЙ ва Ғарбий Олмониянинг қайта бирлашганига неча йиллар бўлган бўлса ҳам ҳамон туппа-тузук маҳкамалар ўша пайтдаги Олмония Демократик Республикаси Давлат хавфсизлик вазирлиги маҳфий ҳужжатларини ўрганиш билан шуғулланмоқдалар. Уларнинг фикрича, ўша маҳалда Олмония Демократик Республикаси томонидан 20 мингга яқин одам жосуслик ва воқеанавислик ишларида қатнашганлар. Олмония Федератив Республикасининг 20370дан зиёд ташкилотлари ва маҳкамалари махсус хизмат идоралари нигоҳидан қочирилмаган. Бу рақамлар "F—17" картотекасидаги ҳужжатларни ўрганиш туфайли маълум бўлди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

БОЛАЛАРНИНҒ МАФТУНКОР ДУНЁСИ

1998 йил — Оила йили

Юқоричирчиқ туманидаги "Ийк ота" хўжалиги маданият саройида ногирон болаларнинг "Мафтункор ранглар дунёси" мавзуида халқаро рассомлик кўрик-танлови бўлди. Мазкур тадбир республика Ижтимоий таъминот ва Халқ таълими вазирликлари, мамлакатимизнинг "Соғлом авлод учун", АҚШнинг "Енграг" халқаро хайрия жамғармалари, Ўзбекистон бадиий академияси ҳамда ногиронлар жамияти томонидан ташкил этилди.

Республикамизда ёш авлодни камол топтириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Оила йили муносабати билан ўтказилган мазкур тадбир ҳам ана шу йўлдаги хайрли ишлардан бири бўлиб, у ногирон болаларнинг ижодий қобилиятини ўстиришга қаратилди. Марказий Осиё давлатларидан келган элликка яқин бола тасвирий санъат соҳасидаги маҳоратини намойиш этди.

Танлов кунларига кўра, гулистонлик Нигора Эшбековага "Бугун байрам", "Бахт қуши" расмлари учун биринчи ўрин берилди.

Тадбир доирасида болалар ногиронлиги муаммолари масалаларига бағишланган халқаро семинар ҳам ўтказилди. Унда республикамиз ва жаҳоннинг илғор тиббий муассасалари мутахассислари, жумладан, Чикагодаги (АҚШ) швед госпитали доктори, Америка ортопедлари ассоциацияси дипломанти Ким Джозеф Сан, Корея реабилитация маркази доктори Ли Бум Сук, Ўзбекистоннинг "Умид" реабилитация маркази раҳбари Д. Маҳмудова ва бошқаларнинг маърузалари тингланди. Қизғин мулоқот чоғида болалар ногиронлигини даъволаш юзасидан тажриба алмашилди, ҳамкорлик истиқболлари белгиланди.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.
Суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар.
Р.НУРИДДИНОВ (ЎзА) суратлари.

ОҲАНГРАБО ОВОЗ ЯНГРАЙДИ...

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ "Туркистон" саройида бўлиб ўтган "Ўзбекистон — қўшиқ байрами" кўрик-танловининг вилоятимиз бўйича якуний босқичида бир қанча янги қўшиқ ва янги ижрочиларнинг кашф этилиши айни муддао бўлди. Танлов якунига кўра Бўка туманидан Зафар Расулов куйлаган "Ҳаққим борми, сени Ватан дейишга?" қўшиғи биринчи ўрин ва биринчи мукофотга сазовор бўлди. "Йўлларинг чароғон, Ўзбекистон" қўшиғини завқу-шавқ билан ижро этган паркентлик мактаб ўқувчиси Элмурод Йўлдошев, "Ассалом, саодат" қўшиғини айтган янгийўллик Ваҳобжон Охунов ва Навбаҳор Носирова, вилоят педагогика билим юрти хор жамоаларига иккинчи ўрин берилди. Шунингдек, бекободлик Ёқубжон Соҳибов, Бўстонлиқ туманидан Қўчқоровлар оилавий дастаси, олмалиқлик Дилноза Исмияминоваларга учинчи ўрин насиб этди.

Халқ — иқтидор сарчашмаси

Янгийўл шаҳрида санъат фидойиси хонанда ва созанда, бастакор, эл-юрт олқишига сазовор бўлганлардан бири марҳум Абдуллажон Охунов эди. Охуновлар оилавий дастасининг ташкил этилиши Абдулла отанинг авлодларидан Ваҳобжон Охуновнинг саъй-ҳаракатлари туфайлидир. Бу дастанинг довруғи нафақат Янгийўлда, вилоятимизда, ҳатто мамлакатимизда ҳам машҳур. Таниқли бастакор, ғижжакчи Иброҳим Жўрабоев ҳам шу сулолага ҳамдам ва ҳамнафас бўлган.

Демак, Ваҳобжон Охунов. 1962 йилда Янгийўл шаҳрида санъат фидойилари оиласида дунёга келган.

Энди Ваҳобжоннинг ўқиш, ўрганиш йўлларига бир назар ташлайлик: у табиийки, ўз йўлини танлади. Республика мусиқа мактабидан бошланган ўқиш, ўрганиш уни Москва Давлат консерваторияси қошидаги мусиқа билим юртига етаклади. Ва ниҳоят, Тошкент Давлат консерваториясининг хор дирижёрлиги куллиётини муваффақият билан тугатди.

Иш, изланиш, санъат оламида ўзини топишга бўлган иштиёқ Ваҳобжоннинг кўнглини бир зум бўлса-да, тарк этмади. Навоий номли катта театрда яккахон хонанда, Янгийўл шаҳар маданият уйида услубчи, Охунбобоев номли 15-ўрта мактабда мусиқа муаллими бўлиб ишлаган йилларида ҳам у ўз истеъдодини шакллантиришга астойдил бел боғлади. Ўзича янги-янги қўшиқларга куй басталашга, ана шу қўшиқларни маромига етказиб ижро этишга интилди. Бу борада ҳам бир қатор ютуқларни қўлга киритди. Мана улар: 1989, -90, -91-йилларда республика ўқитувчилар санъат байрамлари, 1993 йили эса "Нафосат", "Истеъдод" кўрик-танловларининг мутлақ ғолиби бўлди. Бундан ташқари, Ваҳобжон Янгийўл шаҳар халқ таълими бўлими томонидан ўтказилган барча тадбирларда фаол иштирок этиб, олқиш олди, эл назарига тушди.

1995 йили ёш хонанда, 15-ўрта мактаб мусиқа муаллими Ваҳобжон Охунов халқ маорифи аълочиси унвонига сазовор бўлганлиги ҳам юқоридаги фикрларимизнинг далилидир.

Навбаҳор танлаган ижодий йўл ҳам худди Ваҳобжонникига ўхшаб кетади. Энди Навбаҳор Носирова ҳақида мухтасар сўз юритайлик: у Пахтачи туманида санъатқорлар оиласида дунёга келган. Глиер номли мусиқа мактаби, Тошкент Давлат консерваторияси хор дирижёрлиги бўйича синфларини муваффақиятли тамомлади.

Интилганга толе ёр, деганларидек, Навбаҳор опаси Насибага эргашиб, дуторчи қизлар дастасида хонанда бўлиб ишлай бошлади, кўп нарсаларни ўрганди...

Кейинроқ у Телерадиокомпаниянинг хор жамоасида ўз иш фаолиятини давом эттирди. Аммо, Навбаҳорга нимадир етишмаётгандек туюлаверарди. Кўнглининг қаеридадир қилаётган ишидан қониқмаслик ҳисси пайдо бўлгач, ҳамма имтиёзлардан воз кечиб, Янгийўл шаҳар маданият уйига ишга келди.

Бу ерда ҳамма нарсани ўзинг ташкил этишинг, ўзингга ўзинг шароит яратишинг шарт. Санъат оламининг қуйи бўғинларидаги бирдан бир имтиёз шуки, унда ишлаб, тажриба орттирасан, элнинг кўз ўнгида бўласан.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Янгийўл шаҳар маданият уйидаги ижодий жараён Навбаҳорни Ваҳобжон билан биргаликда ижод қилишга ундади. Ҳар икки ёш санъаткор биргаликда ижод қилиб, янгидан-янги қўшиқлар, лапарлар яратишди. "Ассалом, саодат", "Эй дилим", "Мени севма" қўшиқлари ана шулар жумласидандир.

— Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган санъат дурдоналарини, айниқса, анъанавий қўшиқларни жону дилим билан айтишни хуш кўраман. Ҳар ҳолда санъатимизнинг равнақи учун ҳаммамиз жон куйдиришимиз керак, — дейди Ваҳобжон.

Шавкат ТУРОБ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Бу турфа олам

ЧИВИННИНГ ҚУШАНДАСИ

ОДАТДА чивин ва пашшага қарши кимёвий дориворлар ишлатилади. Бундай дориларнинг эса инсон соғлиғига ҳам зарари бор, албатта. Хўш, чивинларга қарши табиий дориворлар ҳам борми?

Ҳа, бор. Уларни уй шароитларида ҳам тайёрлаш оппа-осон. Агар эрмон илдизи қайнатмасига юзқўлингизни ювсангиз, ҳар қандай ҳашарот ҳам сизга яқин йўламайди. Бунинг учун ўсимлик илдизини майдалаб, 1,5 литр сувда қайнатинг. Уни совутгач, яна бир марта қайнатгандан сўнг, докадан сузсангиз, "чивиннинг қушандаси" тайёр бўлади.

Мана, яна бир дори. Бир ош қошиғидаги одеколонга 5-10 томчи қалампирмунчоқ ёки арпабодиён мойидан томизинг-да, чивин кўнадиган тананинг очиқ жойларини яхшилаб хўлланг. Бу дори бир соатга етади. Агар беш грамм қалампирмунчоқни бир стакан сувда 15 минут қайнатиб, сўнгра унга ўн томчи одеколонни аралаштиргач юз-қўлларингизга суртсангиз, бу ҳам чивинга қарши яхши дори бўлади.

Чивиннинг ойнадан учиб кирмаслиги учун қизиган тунука варақка ёки сковородкага озгина камфора солсангиз, унинг буғлари ҳашаротларни уйга яқин йўлатмайди. Ҳовли ёки далада бўлган киши юз-қўлларини арпабодиён мойи ёки қалампирмунчоқ қайнатмаси ва ўсимлик мойи аралашмаси билан артса, бу ҳам ёрдам беради. Булардан ташқари, маълум бўлишича, чивинлар сариқ рангни ёқтирмас экан. Шу сабабли чорбоғ, тоғ-тошларга дам олгани кетаётганингизда ана шундай рангли кийим кийсангиз чивиндан ҳоли бўласиз.

Ана энди баданингизнинг бирор ерини чивин чақди, деб фараз қилайлик. Асло қашинманг. Яхшиси қичиётган жойингизга новшадил спирти суртинг, ичимлик содаси ёки "экстра" тузи эритмасидан ҳам фойдаланингиз бўлади. Петрушка, кефир, қатиқ суртсангиз ҳам бўлаверади.

ҲАР КИМКИ ЖАФО ҚИЛСА...

"Қорадори—98"

ХАЛҚИМИЗДА ҳар кимки жафо қилса жафо топғусидир, деган пурҳикмат гап бор. Назаримда текин даромад, шахсий бойлик деб, ўз халқига, юртига жафо қиладиганлар ҳақида айтилгандек бу гап. Ана шундайларнинг бир қисми таркибида гиёҳвандлик моддалари бор экинларни экиш, бангилик моддаларини ноқонуний равишда чегарадан олиб ўтиш, сотиш билан шуғулланувчилардир.

Наркотикларни назорат қилиш бўйича халқаро қўмита маълумотларида қайд этилишича Марказий Осиёдаги айрим мамлакатларда, хусусан, Тожикистонда қорадори етиштирилмоқда.

Бу, менимча ушбу мамлакатда юз берган фуқаролар уруши, нобарқарор вазиятдан фойдаланиб қолаётган шахслар томонидан содир этиляпти. Етиштирилган гиёҳванд моддалар эса баъзан хуфёна йўллар билан юртимизга кириб келяпти. Ўзбекистондан у бошқа юртларга чиқиб кетиши табиий.

Маълумки, Бекобод тумани билан Тожикистон республикаси ўртасидаги чегара қарийб 90 километрни ташкил этади. Кейинги пайтда шу жойларда Тожикистондан гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний олиб ўтишга уринишлар кўпайди.

Шунинг учун ҳам Тошкент вилояти ИИБ ходимлари ҳозир ҳушёрликни икки, уч карра ошириб, юртимизга олиб келинаётган гиёҳвандлик моддаларнинг бирон тасини чегарадан ўтказмасликка ҳаракат қилмоқдалар. Шу мақсадда вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти томонидан чегара ҳудудларида қўшимча бир нечта мунтазам ва ҳаракатдаги милиция масканлари ташкил этилди. Улар хизмат итлари, махсус техника воситалари билан таъминланган.

Шу нарса диққатга сазоворки, кўпинча жиноятчилар гиёҳвандлик моддаларини чегарадан олиб ўтишда аёллардан фойдаланмоқдалар. Милиция ходимларининг аксарият қисми эркаклар бўлганлиги учун ҳам айрим ҳолларда уларнинг ҳаммасини синчиклаб текшириш имкони бўлмайди-да...

Шуни назарда тутиб, чегара масканлари хизматига аёл милиция ходимлари жалб этилди. Бу тадбир яхши самара берди. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида ўндан ортиқ аёл жиноят устида қўлга тушди. Ҳаммаси бўлиб олти ой ичида Бекобод шаҳри ва туман ҳудудида ноқонуний олиб ўтилаётган 22 килограммдан зиёд гиёҳвандлик моддаси олинди.

Хусусан, 6 январда Бекобод шаҳридаги "Казарма" божхонаси яқинидаги темир йўл кўпригидан ўтаётган тожикистонлик Валентина Овчинниковaнинг шубҳали юки текшириб кўрилганда, унинг сумкаси ичидан 3886 грамм жуда ҳавфли ҳисобланган "опий" моддаси чиқди. Уйида бангихона очгани учун илгари икки марта қора курсига ўтирган бу аёл кейин ҳам эсини йиғиб олмаганлигига ҳайрон бўлмай, илож йўқ.

Феруза Сангинова ҳам Тожикистондан. Ёш бўлишига қарамай "юрак ютиб" 7046 грамм "опий"ни чегарадан олиб ўтмоқчи бўлганда тумшуғидан илинди. Агар бир грамм "опий" истеъмолчиларга қариб 300 сўмдан сотилишини ҳисобга олсак, Ферузанинг "иштаҳаси карнай" бўлган.

Шунингдек, вилоят ИИБ жиноят қидирув бўлими ходимлари томонидан тузилган махсус гуруҳ аъзолари "Далварзин" жамоа хўжалиги ҳудудидан чиқиб келаётган шубҳали ВАЗ—2103 автоуловини тўхтатиб текширилганда унинг ичидаги йўловчи Ким Владиславнинг белига бойлаган белбоғидан 1849 грамм "опий" топилди.

Вилоятда давом этаётган "Қорадори—98" тадбири Бекобод туманида, айниқса, уюшқоқлик билан олиб борилятти. Вилоят ИИБидан ёрдамга борган ходимлар туман ички ишлар бўлими шахсий таркиби билан ҳамкорликда қатор текширувлар ўтказдилар. Тадбир давомида гиёҳвандлик ўсимликлари ўстирилган 36 та жой аниқланиб, қонунбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Масалан, "Деҳқонобод" жамоа хўжалиги иқтисодчиси Олимов ўз томорқасида 49 квадрат метр майдонга 1149 туп кўкнори экиб, ўстираётган экан. У қўлга тушганда минг хил важни рўкач қилди. Лекин, у бидмаса, шунча кўкнори қанча одамнинг ҳаётига таҳдид солишини милиция ходимлари яхши биладилар. Шунинг учун ҳам огу ўз вақтида йўқ қилинди.

Инсониятга офат келтирувчи, унинг келажагига таҳдид солувчи гиёҳвандликдек ҳавфли иллатнинг тарқалишига мамлакатимизда мустаҳкам тўсиқ қўйилган. Ходимларимиз кечани кеча, кундузни кундуз демай хушёр туриб, юрт осойишталиги, халқ саломатлиги, наслимиз тозалиги учун курашаверадилар.

Зуҳриддин БОБОКАЛОНОВ,
Тошкент вилояти ИИБ ЖҚБ бўлим бошлиғи муовини, милиция майори.

Об-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар беришларича 15-19 июль кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво асосан кам булутли бўлади. Ёғингарчилик кузатилмайди.

Фақат шу даврнинг ўрталарида айрим тоғли ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ҳарорат дастлабки пайтда кечалари 19-24, кундуз кунлари 35-40, кейинчалик бироз пасайиб, кечалари 16-21, кундузлари 31-36 даража иссиқ бўлади.

XX АСРНИНГ СЎНГГИ ЧЕМПИОНИ

Ҳа, Бразилия терма жамоасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, жаҳоннинг энг кучли командаси унвонига сазовор бўлган Франция чарм тўп усталари миллионлаб футбол ишқибозларини ўзининг чиройли ўйинлари билан хушнуд этди

Франция терма жамоаси 12 июль куни Сан-Дени шаҳридаги 80 мингдан зиёд томошабинни ўз бағрига олган Стар де Франс ўйингоҳига нафақат чемпионликни кўзлаб, балки Оврупо футболи нималарга қодир эканлигини намойиш этиш учун ҳам тушган эди.

Чиндан-да бағоят чиройли, маҳорат билан тўп сурган францияликлар Бразилия жамоасини ҳар жабҳада танг қолдириб, бир-биридан чиройли тўпларни Таффарел дарвозасига киритишга муваффақ бўлишди. Зайниддин Зиданнинг боши билан киритган биринчи тўпи бразилияликларни хушёр торттириб, шиддатли ҳужумга ундаган бўлса, Зиданнинг иккинчи бор боши билан урган тўпи энг очиғи жаҳоннинг тўрт карра чемпиони ҳисобланган бразилияликларни саросимага солиб қўйди. Аммо, улар ҳарчанд уринишмасин, ўйинда бурилиш ясашолмади. Эммануил Петининг учинчи бор Таффарел қўриқлаётган дарвозани аниқ нишонга олиши мароқашлик ҳакамнинг хуштаги янграмаёқ Францияни жаҳоннинг янги чемпиони сифатида муборакбод этиб, олқишлаш имконини берди. Шу ўринда "Жаҳон чемпионати—98"ни ташкил этишда жонбозлик кўрсатган, шунча йил Франция жамоаси учун тўп суриб, бирон марта ҳам чемпионлик тожига эришолмаган афсонавий чармтўп устаси Мишел Платининнинг шодлигини кўриш, қувончини тушуниш мумкин эди. Ёки, кўпни кўрган, тажрибали мураббий — 67 ёшли бразилияликлар сардори Марио Загалонинг ҳамкасби — Франция терма жамоасини ана шундай улкан шохсупага олиб чиқа олган Эмил Жакени самимий бағрига босиб, қутлаши футбол деб аталмиш катта томошанинг энг ёрқин лаҳзаларидан бири деса бўлади.

Франция 14 июль куни миллий байрам — Бастилия ишғол этилган кунни кенг нишонлашга тайёргарлик кўрарди. Франция халқи 12 июль куни ўзларига қўш қувонч бахш этган футболчилардан миннатдор ҳолда бу миллий байрамни икки кун олдин қизғин нишонлай бошладилар.

Хўш, "Жаҳон чемпионати—98" бизга қандай янгиликларни кашф этди. Аввало, узоқ йиллар ФИФАга раҳбарлик қилган Жоао Авеланж 12 июль куни сўнгги бор президентлик лавозимида чемпионат совриндорларини қутлаб, ўз-ўрнини янги сайланган Жозеф Блаттерга бўшатиб берди.

Яна бири, бу чемпионатда ёшлар "қариялар"дан ҳар томонлама устун эканликларини кенг намойиш этдилар. Энг қизиқарлиси, бу чемпионат бизга Хорватиядек ажойиб терма жамоани кашф этди. 1966 йили Англия чемпионатида Португалия жамоаси моҳир ҳужумчи Эйсебио бошчилигида ажойиб ўйин кўрсатиб, учинчи ўринни эгаллагани каби ушбу чемпионатда илк бор қатнашган Хорватия терма жамоаси ҳам Шукер бошчилигида "ЖЧ—98" кучлилар сафини шиддат билан ёриб ўтиб, қизғин беллашувларда мана ман деган кучли жамоаларни доғда қолдирганча, совринли учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Бир нарса аниқ, Хорватия футболчилари ўз юртига миллий қаҳрамон сифатида кириб борадилар. Жаҳон матбуотида ёзилганидек, Болгария, Югославия, Колумбия ва бошқа айрим терма жамоаларни ўз юртларида ҳеч ким кутиб олмагани ёки бўлмаса ғазабланган оломон уларни қаҳр-ғазаб билан қаршилаганини кўриб, Стоичков, Балаков, Костадинов, Пеневлар бу ҳолатдан йиғлаб юборганлари каби нохуш вазиятлар ҳам футболнинг ўзига хос томонлари, албатта.

Биз учун Хорватия Давор Шукер каби моҳир тўпурарни кашф этиб берди. Кечаги финал ўйинида унга тенглашиши мумкин бўлган Рональдо (унинг ҳисобида 5 та киритилган тўп бор) тўп уролмади. Демак, Шукер 6 та тўп билан "Олтин тўп" устаси сифатида "ЖЧ—98" нинг совриндори бўлиши ҳам шубҳасиз.

Мана, катта футбол спектакли ниҳоясига етди. Ёзнинг энг жазирама кунларида ҳар биримиз қизғин баҳслашганча ярим тунга қадар давом этган футбол мусобақаларидан завқланиб, бир олам таассурот олиб тонг оттирдик. Осиё футболи ҳам, шу жумладан, жонажон Ўзбекистонимиз терма жамоаси қачон бизни бевосита чемпионатларда ажойиб ўйинлари билан хушнуд этар экан, деган ширин орзулар қанотида ушбу мақолага нуқта қўяр эканмиз, XXI аср ўзбек футболи ривожи учун истиқбол йиллари бўлиб қолишига умид билдириб қоламиз.

Миржалол МИРАЛИЕВ.

Ўз жамоаси ғалабасидан хурсанд бўлган миллионлаб французлар Парижнинг марказий кўчаларида байрам қилишмоқда. Улар "Биз чемпионмиз", "Мерси, Эме" (Эме Жаке — Франция миллий жамоаси бош мураббийси), деган шиорлар ёзилган плакат ҳамда мамлакат футболчиларининг суратларини кўтариб Елисей майдонига чиқди.

Парижнинг Елисей майдонида бўлиб ўтган оммавий байрамлар вақтида кўплаб ноҳуш воқеалар содир бўлди. Турли тартибсизликлар натижасида 60 дан ортиқ киши жароҳатланди. Улардан 10 нафари оғир аҳволда касалхоналарга келтирилди. Маълумотларга қараганда, ярим тунда ғалаба нашидасини суриштириятида кўчаларга чиққан бир неча кишини машина уриб кетган. Кўплаб автомобиллар эса ҳалокатга учраган. Жабрланганларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилди.

Шу куни пойтахтда барча бар ва кафеларнинг эшиги очиқ бўлди. Улар мазкур ғалаба сабаб чемпионатнинг барча иштирокчиларига текин хизмат кўрсатди.

ФИФА маълумотига қараганда, чемпионатнинг барча 64 учрашувини телевизор орқали кузатган ишқибозлар сони 40 миллиарддан ошиб кетган. Мутахассислар шу вақтгача бандай кўрсаткич қайд этилмаганини таъкидламоқда.

1994 йил АҚШда ўтказилган жаҳон биринчилигида бу кўрсаткич 32 миллиардни ташкил қилган эди.

ЮРТДОШЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

"Ишонч телефони" иш бошлади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига ҳамда Республика Ички ишлар вазирлигининг буйруғига асосан Тошкент вилояти ИИБда шахсий таркиб билан ишлаш бўйича махсус Инспекция ташкил этилди.

Инспекция зиммасига шахсий таркибнинг хизмат фаолияти билан боғлиқ қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаш, ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўймасдан, уларнинг олдини олиш каби вазифалар юклатилган.

Қуйидаги вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Инспекция қошида жамоатчилик билан боғланиш учун ***"ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ"*** *ўрнатилди.*

Сизни қизиқтирган саволлар юзасидан **соат 9.00 дан 18.00** га қадар **162-72-45** рақамли телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент туманидаги "Тошкент" ОТАЖга қарашли хўжалик ҳисобидаги умумий овқатланиш комбинати жамоаси комбинат раҳбари Мирвоҳид Абзаловга падари бузруквори **МУХИТ ХОЖИ ОТАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг ёрдамчиси Ш.Ш. Раҳматуллаевга падари бузруквори **ШЕРМАТ ОТАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилоят прокуратураси жамоаси Оҳангарон шаҳар прокурори Қ.К. Мусабековга падари бузруквори **Казбек МУСАБЕКОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0159. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 8.777 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди –18.00. 1 2 3 4 5 6